

ИЖАРА ШАРТНОМАСИНИНГ РУКН ВА
ШАРТЛАРИTERMS AND CONDITIONS OF THE LEASE
AGREEMENTУСЛОВИЯ И ОСНОВАНИЯ ДЛЯ
ДОГОВОРА АРЕНДЫ

Mamurjon ERKAEV,

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN,Base doctoral student of "ICESCO" study of Islamic
studies and Islamic civilization source study.M.Erkaev@iiiau.uz

II, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

Tel: +998909067313

DOI: 10.47980/IIAU/2021/3/7

Аннотация: Ушбу мақолада ислом ҳуқуқи нуслигига оид ижара шартномасининг рукн ва шартлари билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган. Унга кўра, ижара шартномасининг рукни, яъни асоси ижоб ва қабул экани, шартномани тузишда ишлатиладиган сўзлар, жумладан, ижара маъносини ифода қилувчи иборалар ҳамда ория, ҳадя, сулҳ ва бай келишувларига доир сўзларнинг қўлланишига оид ҳулосалар берилган. Шунингдек, ижара шартномаси التاعاطى (at-ta'oti) йўли билан, яъни ижоб ва қабул маъносини ифода қилувчи сўз ва ибораларни талаффуз қилмасдан, амалий ҳаракатлар орқали амалга ошириш уламолар иттифоқига кўра жоиз экани баён қилинган.

Ижара шартномасининг шартлари, жумладан, ҳақ тушунчаси ва унинг миқдорини аниқ бўлиши, агар шартнома бирон нарсадан фойдаланиш билан боғлиқ бўлса, фойданинг маълум бўлиши, агар шартнома бирон бир шахсни ишга ёллаш билан боғлиқ бўлса, иш турининг белгиланиши тўғрисида фақиҳлар ўртасидаги ихтилофлар ва уларнинг фикрлари ҳамда илмий ҳулосалари ёритилган.

Мақолада ижара ҳақи билан боғлиқ масалалар, хусусан, ислом ҳуқуқида ижара ҳақи сифатида савдода пул деб эътиборга олинадиган ва пул деб эътиборга олинмайдиган нарсалар бўлиши мумкинлиги, шартномада ижара ҳақининг миқдори маълум бўлиши, агар нақд пул шаклида бўлса, пул бирлигига аниқлик киритилиши баён қилинган.

Шунингдек, ислом ҳуқуқи нуслигида уламолар ижара ҳақи учун иккита асосий шартни белгиласани, улар: ижара ҳақи шариатда қийматга эга бўлган мол-мулк бўлиши лозим. Ижара ҳақи бирон нарсадан фойдаланиш эвазига тузилган бўлса, иккинчи томондан билдирилган иш турининг жинси билан бир хил

бўлмаслигига оид шартлар тўғрисида уламоларнинг ҳулосалари келтирилган.

Шу билан бирга ижара ҳақини ундириш билан боғлиқ масалаларда уламолар ихтилоф қилгани ва мазкур ҳолат бўйича уларнинг фикрлари ўрганилган. Унга кўра, ижарага олувчи тўловни олдиндан (ихтиёрий) бериши, шартномада тўловни олдиндан беришни шарт қилиб белгиланиши ва кўрсатилган ишни бажариб бўлганидан сўнг тўловни амалга ошириши каби масалалар таҳлил қилинган.

Таянч иборалар: рукн, шарт, ижара ҳақи, таъотий, бай, ҳадя, ория, сулҳ, дирҳам, дийнор, зарб қилмоқ, насия, салам савдоси.

Аннотация: В данной статье исследуются вопросы, связанные с условиями и основаниями для договора аренды в исламской юриспруденции. Представлены заключения, сделанные в результате исследования относительно того, что может служить основой договора аренды, то есть основанием для его составления и заключения, какие слова и термины используются при заключении договора, в том числе фразы, выражающие значение договора аренды, а также такие термины, как ария, хадия, сулх и бай. Также указывается, что союз улемов разрешает заключать договор аренды посредством التاعاطى (at-ta'ati), то есть посредством практических действий без произнесения слов и фраз, которые означают иджаб и кабул.

Кроме того представлены научные выводы, касающиеся условий, при которых заключается договор аренды, включая определение вознаграждения и его размера, установления конкретной пользы, если договор связан с использованием чего-либо, а также приведены различные точки зрения правоведов на определение типа работы, если договор связан с приемом на работу какого-либо лица.

В статье обсуждаются вопросы, связанные с арендой, в частности, тот факт, что в исламском праве некоторые вещи могут браться в качестве арендной платы как эквивалент денег в торговле, а некоторые не могут, размер арендной платы должен быть указан в договоре, и, если она взимается наличными деньгами, то должна быть обговорена в каких денежных единицах она взимается.

Кроме того, в исламской юриспруденции ученые установили два основных условия для ренты: рента должна быть имуществом, имеющим ценность по шариату. Если рента выплачивается за использование чего-либо, то по мнению ученых-правоведов, то услуги или ценности, предлагаемые другой стороной, не должны совпадать с тем, что предлагает первая сторона.

В статье привлечены к исследованию расходования во мнениях ученых-правоведов и их точки зрения по вопросам взимания ренты. Рассмотрены такие вопросы, как предоплата (добровольная оплата) ренты, указание в договоре о ренте предоплаты в качестве одного из условий и оплаты, производимой после завершения указанных работ.

Ключевые слова: рукн, условие, аренда, التاعاطى (at-ta'ati), ария, хадия, сулх, бай, дирхам, динар, насия, салам.

Abstract: This article explores issues related to the terms of a lease in Islamic jurisprudence. We present the results of research on what can serve as the basis of a lease agreement, what terms can be used in a lease agreement, including phrases expressing the meaning of a lease agreement, as well as such words, like an *aria*, *sulh*, *Hadiya* and *bay*. The Union of Islamic scholars (*ulama*) permits the conclusion of a lease agreement through *التعاطى* (*at-ta'ati*), that is, through practical actions.

Also, we presented scientific conclusions regarding the conditions under which a lease agreement is concluded, including the specific benefits if the lease agreement is related to the use of something.

The article discusses issues related to rent, in particular, the fact that some things can be charged as rent as the equivalent of money in trade, and some cannot. The amount of rent must be specified in the contract, and if it is charged in cash, then it must be discussed in what monetary units it is charged.

Moreover, in Islamic jurisprudence, scholars have established two main conditions for rent: the rent must be the property of Sharia value. If somebody pays rent for the use of something, in the opinion of legal scholars, then the services offered by the other party should not coincide with what the first party proposes.

The article involves the study of different points of view of scholars on the collection of rent. Also, it involves issues such as advance payment (voluntary payment) of annuity, the indication in the rental agreement of the prepayment as one of the conditions, and the fee made after the completion of these works.

Keywords: *rukun*, condition, rent, *التعاطى* (*at-ta'ati*), *aria*, *hadiya*, *sulh*, *bai*, *dirham*, *dinar*, *nasiya*, *salam*.

КИРИШ

Ислом ҳуқуқшунослигига оид манбаларда ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларга доир ижара шартномаси билан боғлиқ масалалар батафсил ўрганилган. Уларни ўрганиш, тадқиқ этиш ва таҳлил қилиш мазкур муносабатларга оид муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Ислом ҳуқуқида ҳар бир тижорий муносабатларнинг рукни, яъни асоси ва шартлари бўлади. Мазкур муносабатлар ҳуқуқий кучга эга бўлиши учун томонлар белгиланган рукн ва шартларга амал қилишлари лозим. Шу боис, фикҳ ва фатво жанрида ёзилган асарларда ижара шартномасининг рукн ва шартлари кенг муҳокама қилинган.

ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАДИ

Ислом ҳуқуқига оид манбаларда ижара шартномасининг рукни ва шартлари билан боғлиқ маълумотларни таҳлил этиш, унинг ҳуқуқий асосларини илмий жиҳатдан асослаб беришдан иборат.

УСЛУБЛАР

Мавзунини ёритишда комплекс ёндашув, тизимлилиқ, тарихийлик, қиёсий-танқидий каби методлар, шунингдек, умумий илмий-тадқиқот усулларида кенг фойдаланилди.

НАТИЖА

Рукн ва шарт сўзлари луғавий, илмий-истилоҳий жиҳатдан луғат, мўъжам, қомус ҳамда усулу фикҳга оид манбалар асосида ўрганилди, таҳлил қилинди ва илмий хулосалар билдирилди. Демак, ижаранинг рукни деганда, шартнома тузилиши учун асос бўладиган нарса, яъни ижоб ва қабул назарда тутилади. Унинг шартлари эса ижара ҳақининг маълум бўлиши ва фойда, яъни ижара бериладиган нарсанинг аниқ бўлишидир.

Ижара шартномаси ижара, ория, ҳадя, сулҳ ва бай келишувларини ифода қилувчи сўз ва иборалар асосида тузиш мумкин. Шунингдек, ижара маъносини ифода қилувчи сўзларни талаффуз қилмасдан ҳам келишувни амалга ошириш мумкин. Бу тижорий муносабатларда *إطاعتا* (*at-ta'oti*) йўли билан, яъни ижоб ва қабул каби сўзларни талаффуз қилмасдан, амалий ҳаракатлар орқали келишувни амалга оширишни англатади.

Ижара шартномасида ижара ҳақи ислом ҳуқуқида қийматга эга бўлган нарса бўлиши қатъий белгиланган. Шунингдек, жинси, миқдори, тўловни амалга ошириш билан боғлиқ шартларга алоҳида эътибор қаратиш таъкидланган.

МУҲОКАМА

Ислом ҳуқуқшунослигига оид ҳар бир келишувнинг рукни, яъни асоси, шarti ишлаб чиқилган бўлиб, уларга амал қилинган тақдирдагина шартнома ҳуқуқий аҳамиятга эга ҳисобланган.

Аввало рукн ва шарт сўзларининг луғавий ва илмий-истилоҳий маъноларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

“Қомус ал-муҳит” асарида таъкидланишича: “*الركن* – рукн сўзи луғатда асос, устун, таянч, бурчак, бўлим, мустаҳкам жой” (*Majdindin al-Feruzabodiy*, 2005, p.1201) деган маъно англатади. Истилоҳий маъноси хусусида “Усулу Сарахсий” китобида баён қилинишича: “Бирон нарса у билан қoим бўладиган асос тушунилади” (*Muhammad Saraxsiy*, 1987, J.2, p.174). Демак, ижаранинг рукни деганда, шартнома тузилиши учун асос бўладиган нарса назарда тутилади.

Рукн сўзи ислом ҳуқуқида кенг истилоҳий маънога эга бўлгани ва ижара масаласида қўлланишида турли маънолар юзага келишини инобатга олиб, тадқиқот жараёнида шундайлигича қабул қилинди.

الشروط – шарт сўзи луғатда аломат, белги (Abu-l-Abbos Fayyumi, 1987, p.118) маъноларини ифода қилади. Истилоҳий маъноси тўғрисида “Кашфу-л-асрор” китобида айтилишича: “Бирон бир ҳукми собит бўлиши шартга тааллуқли бўлади. Аммо ўша ҳукми топилишини лозим қилмайди” (Alouddin Buxoriy, 1981, J.4, p.173).

Демак, ислом ҳуқуқида инсонлар ўртасидаги турли муносабатлар билан боғлиқ битим, келишув ва шартномалар белгиланган шарт асосида тузилади. Уларга амал қилинса, мазкур муносабатлар ҳуқуқий асосга эга бўлади. Амал қилинмаса, томонлар ўртасида шартнома тузилган ҳисобланмайди.

Ижара шартномасининг рукни ижоб ва қабулдир. Бу ҳақида “Мухиту-л-бурҳаний” асарида қуйидагича баён қилинган: “Ижара шартномаси ўтган замон шаклидаги ижоб ва қабул маъносини ифода қилувчи أَجْرْتُ [aajartu] ва قَبِلْتُ [qobiltu] ёки اسْتَأْجَرْتُ [ista'jartu] каби сўзлар билан боғланади. Агар улардан бири келаси замондаги сўзни қўлласа, масалан, أَجَرْنِي [aajirniy] деса, иккинчи тараф أَجْرْتُ [ajirtu] деб айтса, ақд юзага келган ҳисобланмайди. Чунки ижара – фойдани сотишдир. Муайян нарсани сотишга қийёсланади. Муайян нарсаларни олди-сотди қилишда фақат ўтган замонни ифода қилувчи сўзлар билан ақд тузилади. Келаси замонни ифода қилувчи сўзлар билан ақд тузилмайди. Ижара келишувида ҳам худди шундай” (Burhoniddin Buxoriy, 2004, J.11, p.214).

Эътиборли жиҳати шундаки, томонлар ижара келишувида сўзларни ўтган замон шаклида қўллашдир. Аслида бу араб тили грамматикаси билан боғлиқ қайд. Бу ҳақида “Фикху-л-буйуу” китобида қуйидагича баён қилинган. “Бу қайд араб тили билан боғлиқ бўлиб, ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларга оид келишувларда томонлар ўтган замон шаклидаги сўзларни ишлатишига келишилган. Чунки араб тилида “Музорей” феъли нафақат ҳозирги замон балки келаси замон маъносини ифода қилади. Келаси замон шаклидаги сўзлар савдо келишувларида қўлланилмайди. Сабаби, у нархлашиш ёки ваъдалашув деб ҳисобланган” (Muhammad Taqiy Usmoniy, 2015, J.1, p.35).

Муаллиф томонидан билдирилган фикр савдога тегишли бўлса-да, ижара шартномаси билан ҳам боғлиқдир. Чунки ижара савдонинг бир тури ҳисобланади. Шу боис, ижара шартномасини амалга оширишда томонлар ўтган замондаги сўзларни қўллашлари лозимлигини тушуниш мумкин. Аммо келишувда келаси замон шаклидаги сўзларни қўллаш ҳақида фақиҳлар турли фикрларни билдирган. Жумладан, “Фикху-л-буйуу” асарида қуйидагича баён қилинган. “Агар томонлар келишув вақтида музорей феълини қўллаб, мақсадлари айни пайтда

келишувни тузиш бўлса, у тузилган ҳисобланади” (Muhammad Taqiy Usmoniy, 2015, J.1, p.35).

Демак, агар томонларнинг нияти шартномани амалга ошириш бўлса, келишув вақтида қайси замон шаклидаги феълни қўллашидан қатъий назар, ҳатто буйруқ ва истак майли шаклидаги сўзларни ишлатиш билан ҳам келишув юзага келган бўлади.

Шунингдек, ижара шартномаси ория, ҳадя ва сулҳ келишувларида қўлланиладиган сўзлар билан ҳам тузилади. Шу билан бирга бирон бир ақдга алоқадор сўз ёки иборани қўлламасдан келишувни тузиш мумкин. Бу ҳақида “Мухиту-л-бурҳаний” асарида қуйидагича баён қилинган: “Ижара шартномаси ория келишувига оид сўзлар, масалан: “Мана бу уйни сенга бир ой муддатга ижара ҳақи эвазига орияга бердим” ёки “Ҳар ой ижара ҳақи шунча”, деса, иккинчи тараф қабул қилса, ижара шартномаси тузилган ҳисобланади” (Burhoniddin Buxoriy, 2004, J.11, p.214).

“Фатавои қозихон” китобида айтилишича: “Бирон нарсани эваз баробарига орияга бериш ижара бўлади” (Qozixon Uzjandiy, 2009, J.2, p.191).

Ислом ҳуқуқида ория ижтимоий-ҳуқуқий муносабатининг назарий асослари ўрнатилган бўлиб, у бирон нарсдан вақтинча эвазсиз (текин) фойдаланишни ифода қилади. Бу ҳақида “Ҳидоя” асарида: “Ория – фойдани эвазсиз мулк қилиб беришдир” (Burhoniddin Marg'inoniy, 2019, J.5, p.474), дейилган. Ижара шартномасини тузишда ория сўзини ишлатиш жоизлигининг асосий сабаби, икки ижтимоий-ҳуқуқий муносабат муайян нарсдан вақтинча фойдаланишни ифода қилади.

“Фатавои татархония” китобида баён қилинишича: “Мана бу ховлидан бир ой ўн дирҳам эвазига фойдаланишни ҳадя қилдим” ёки “Мана бу нарсани бир ойга ўн дирҳам эвазига орияга бердим”, деса, Абу Тоҳир Даббос Абу Ҳанифадан ривоят қиладики: “Агар фойдаланмаса ижара деб эътибор қилинмайди” (Ibn Alo al-Ansoriy, 2010, J.15, p.4).

“Мухиту-л-бурҳаний” китобининг муаллифи асарда Шамсул аимма ал-Ҳалавонийнинг “Ижара ҳадя ва сулҳ иборалари билан тузилади”, деган сўзини иктибос қилиб келтирган. Демак, ижара шартномасида томонлар ҳадя ёки сулҳ маъносини ифода қилувчи ибораларни қўллаш орқали келишувни тузишлари жоизлигини хулоса қилиш мумкин. Масалан: “Мана бу уйни бир ой муддатга ижара ҳақи эвазига ҳадя қилдим ёки сулҳ қилдим” (Burhoniddin Buxoriy, 2004, J.11, p.215).

Ҳадя ва сулҳ сўзларининг истилоҳий маъноси хусусида “Ал-Бинойа” асарида таъкидланишича: “Бирон нарсани эвазсиз мулк қилиб беришдир” (Badriddin Ayniy, 2000, J.9, p.196). Мазкур муносабат амалга оширилгач, инсон мулкни тўлиқ тасарруф

килиш ҳуқуқига эга бўлади. Буни ижара билан боғлиқлик тарафи шундаки, агар келишувда муддат ва эваз (маълум бир миқдор) белгиланса, демак, у ҳада шартномаси эмас, балки у ижара шартномаси ҳисобланади. “Ҳада қилдим” деган сўзнинг ўзи, келишувни ҳада шартномаси эканини ифода қилмайди. Сулҳ эса, “Томонлар ўртасидаги муаммоли вазиятни барқарорлаштириш учун тузиладиган ақдир” (Badriddin Ayniy, 2000, J.9, p.3). Унинг ижара билан боғлиқлиги шундаки, сулҳ бирон нарса хусусида томонлар ўртасидаги келишувни ифода қилади. Аммо, у бирон нарсдан вақтинча фойдаланишни ифода қилмайди. Шу боис, бирор нарсдан маълум бир эваз барорбарига фойдаланиш билан боғлиқ ижара келишувида сулҳ сўзининг қўлланилиши, унинг сулҳ келишуви эмас, балки ижара шартномаси эканини ифода қилади.

Кўриниб турибдики, ижара шартномасида ислом ҳуқуқининг ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларига оид ория, ҳада, сулҳ келишувларига доир сўзларни қўлланилиши орқали ақд юзага келишида, унинг муддати ва нарсанинг эвазига бериладиган ҳақнинг баён қилиниши билан боғлиқдир.

Фақиҳлар ижара шартномаси тузишда бай, яъни сотмоқ феълини ишлатиш тўғрисида ихтилоф қилганлар. Бу ҳақида “Муҳиту-л-бурҳаний” асарида қуйидагича баён қилинган. “Мана бу уйни сенга ҳар ойга шунча эваз баробарига сотдим ёки бир ойга сотдим”, деса, ижара фосид бўлади (Burhoniddin Buxoriy, 2004, J.11, p.215), яъни ижара шартномаси тузилган ҳисобланмайди. Чунки ижара бирор нарсдан вақтинча фойдаланиш учун тузиладиган ақдир. Ижара ўша нарсани тўлиқ тасарруф қилиш ҳуқуқини ифода қилмайди. Бай сўзи “Баҳру-р-роиқ” китобида таъкидланишича: “Томонларнинг ўзаро розилиги асосида бир нарсани бошқа нарсага алмаштиришдир” (Ibn Nuja'um, 1997, J.5, p.429). Шунингдек, мазкур келишувдан сўнг ҳар икки томон олди-берди қилган нарсаларини тўлиқ тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Шу боис, ижара шартномасини тузишда юқоридаги мисол каби бай сўзини қўллаб бўлмайди. “Муҳиту-л-бурҳаний” асарида муаллиф Шамсул аймма Ҳалавонийнинг: “Ижара бай сўзи билан боғланмайди” (Burhoniddin Buxoriy, 2004, J.11, p.216), деган фикри билан ўз сўзини қувватлантирган.

“Фатавои татархония” асарининг муаллифи мазкур асарида “Фатавои кубро” китобидаги Қозихоннинг: “Ижара бай сўзи билан боғланмаслигига фатво берилган” (Ibn Alo al-Ansoriy, 2010, J.15, p.6), деган фатвосини келтирган.

Ислом ҳуқуқшунослигида бирон бир ҳуқуқий муносабат хусусида уламолар ижмоъ қилган ёки унга фатво берилган бўлса, мазкур масаланинг ҳал

килувчи ечими ҳисобланади. Шундай бўлса-да, муҳокама қилинётган масала тўғрисида кейинги асрларда фатво жанрида ёзилган манбаларда юқоридаги фикрларнинг аксини учратиш мумкин. Жумладан, “Роддил мухтор” асарида айтилишича: “Ижара шартномаси бай сўзи билан тузилади. Шарт шуки, муддат белгиланган бўлиши лозим” (Ibn Obidin, 2003, J.9, p.6). “Фатавои Оламгирия” асарида ҳам ижара шартномасини бай сўзи билан тузиш жоиз экани айтилган (Shayx Nizom, 2000, J.4, p.409).

Ислом ҳуқуқида савдо келишувини التعاطى (at-ta'otiy) йўли билан, яъни олдим, сотдим каби сўзларни талаффуз қилмасдан, амалий ҳаракатлар орқали амалга ошириш уламолар иттифоқига кўра жоиздир. “Фикҳ ал-буйуъ” китобида қуйидагича баён қилинган. “Сотувчи харидорга маҳсулотни беради. Харидор эса, пулни беради. Улар ижоб ва қабул сўзларини талаффуз қилмайди. Бу البيع بالتعاطى [Al-bay'u bit-at-ta'otiy] деб номланади” (Muhammad Taqiy Usmoniy, 2015, J.1, p.67). Бу келишувнинг уламолар тарафидан жоиз деб айтилиши, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ кўплаб муаммоларга ечим бўлади.

Шундан келиб чиқиб, фақиҳлар ижара шартномасини التعاطى (at-ta'otiy) йўли билан амалга ошириш жоиз деганлар. Агар ижарага олувчи аввалги келишувда белгиланган шартлар асосида нарсдан фойдаланишни давом эттирса, мулк эгаси ижара ҳақини олса, демак, мана шу ижара шартномасини التعاطى (at-ta'otiy) йўли билан амалга ошириш деб, эътиборга олинади. Бу ҳақида “Муҳиту-л-бурҳаний” асарида қуйидаги масала келтирилади. “Агар бир нарса хусусидаги ижара шартномаси аввалги келишувда белгиланган ижара ҳақи асосида амалга оширилса, бу التعاطى (at-ta'otiy) йўли билан амалга оширилган ижара бўлади” (Burhoniddin Buxoriy, 2004, J.11, p.216).

“Хулоса ал-Фатаво” асарида баён қилинишича: “Узоқ муддатга мўлжалланган ижара шартномаларини التعاطى (at-ta'otiy) йўли билан амалга ошириш жоиз бўлмайди. Чунки ижара ҳақи номаълум бўлади” (Tohir ibn Ahmad, 970х, p.236). Асосий сабаб, пул инфляцияси билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бунда келишувнинг аввалидаги ижара ҳақи охиригача сақланиб қолади ва у ўзгармайди. Демак, ижарага берувчига зарар етиши назарда тутилган бўлиши мумкин. Мазкур асарда қисқа муддатли ижара шартномаларини التعاطى (at-ta'otiy) йўли билан амалга ошириш жоиз эканлиги айтилган. Аммо “Фатавои татархония” асарининг муаллифи “Хулоса ал-Фатаво” асаридан иқтибос келтириб: “Ижара шартномаси التعاطى (at-ta'otiy) йўли билан боғланмайди” (Ibn Alo al-Ansoriy, 2010, J.15, p.7), деб

умумий тарзда айтиб ўтган. Унинг узоқ ёки қисқа муддатга мўлжалланган бўлиши ҳақида тўхталмаган.

“Роддил мухтор” асарида қуйидагилар маълум қилинган. “Ижарада томонлар бир сўз айтмаса ҳам келишув тузилиши юқорида айтилди. Ҳовий аз-Зоҳидийнинг (ваф. 1260): “Агар ҳовлини бир йилга ижара олса, муддат тугагач ижарачи иккинчи йил учун ҳеч қандай келишувни амалга оширмаса, ижарага олувчи яшашни давом эттирса, ижарачи ижара ҳақини олса, келишув иккинчи йилнинг охиригача тузилган ҳисобланади. Фақат ижара ҳақини олган ойлар учун тузилган деб, эътибор қилинмайди” (Ibn Obidin, 2003, J.9, p.8). Муаллиф бу масалани келтириш орқали ижара шартномаси *التعاطى* (at-ta'otiy) йўли билан амалга ошириш жоизлигига ишора қилган. Бу ҳолат муддат белгиланмайди. Чунки муддат келишув вақтида белгиланади. Муҳокама қилинаётган масала аввалги келишувнинг шартлари асосида нарсдан фойдаланишни давом эттиришни ифода этади. Агар муддат белгиланса, у янги келишув ҳисобланади.

Ижара шартномасининг шартлари “Муҳитул-бурҳаний” асарида иккита эканлиги маълум қилинган. Улар:

1. Ижара ҳақининг миқдорини аниқ бўлиши;
2. Фойданинг аниқ бўлиши (агар ижара шартномаси бирон нарсдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлса) ёки иш турининг аниқ бўлиши (агар ижара шартномаси бирон бир шахсни ишга ёллаш билан боғлиқ бўлса) (Burhoniddin Buxoriy, 2004, J.11, p.217).

Ижара шартномасидан кўзланган асосий мақсадлардан бири даромад топиш. Шу боис, ижара ҳақининг миқдорини аниқ бўлиши мақсадга мувофиқдир. Чунки шартномада ижара ҳақининг кўрсатилмаслиги ёки келишув вақтида унга аниқлик киритилмаслиги кўплаб зиддиятли вазиятларни келтириб чиқаради. Шунингдек, ижара шартномасида нарсдан фойдаланиш билан боғлиқ вазиятларга ҳамда бирор шахсни ишга ёллаганда бажариладиган иш турига аниқлик киритиш томонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилинишига олиб келади.

Фатво жанрида ёзилган аксар манбаларда ижара шартлари иккита экани айтилган. Аммо “Роддил мухтор” асарида тўртта эканлиги келтирилган, улар:

1. Келишув билан боғлиқ шартлар;
2. Уни амалга ошириш билан боғлиқ шартлар;
3. Келишувни жоиз бўлиши билан боғлиқ шартлар;
4. Лозим бўлиш шартлари бўлиб, “Бадоеъ”да батафсил келтирилган (Ibn Obidin, 2003, J.9, p.7), деб айтиб ўтилган. Аммо муаллиф уларга батафсил тўхталмаган, балки юқорида келтирилган икки шарт баён қилинган.

“Ҳизанату-л-фикҳ” асарида ижаранинг ҳуқуқий асосга эга бўлиши учун учта шарт топилиши лозим. Улар, ижарани муддати, бажариладиган иш ва бадал, яъни ижара ҳақининг аниқ бўлишидир (Abu Lays Samarqandiy, 2005, p.244). Демак, бу ўринда ижаранинг муддатига аниқлик киритиш шартноманинг асосий шартлари сифатида кўрсатилган.

Ижара шартномасида юқорида таъкидланганидек, ижара ҳақининг маълум бўлиши асосий шартларидан бири сифатида келтирилган. Унга “Сунанул-кубро” асаридаги қуйидаги ҳадис асос қилинган.

عن أبي هريرة: من استأجر أجيرًا فليعلمه أجره

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади. “Ким бир ёлланма ишчини ижарага ёлласса, унга ижара ҳақини маълум қилсин” (Abu Bakr al-Bayhaqi, 2003, J.6, p.198).

Мазкур ҳадис ижара муносабатларини амалга оширишда ижара ҳақининг олдиндан маълум қилиниши лозимлигини ифода қилади. Шу боис, ижара шартномасида ижара ҳақи миқдорининг аниқ бўлиши асосий шартларидан бири сифатида саналган. Бу ҳақида “Муҳтасару-л-қудурий” асарида айтилишича: “Савдода (сотиб олинган нарсанинг эвазига) пул сифатида берилиши мумкин бўлган нарса, ижара шартномасида ижара ҳақи сифатида белгиланиши жоиздир” (Abulhasan Quduriy, 2005, p.221). Ижара савдонинг бир туридир. Шу боис, айнан савдода маҳсулот эвазига бериладиган пул ва бошқа нарсалар ижара шартномасида ижара ҳақи сифатида берилиши жоизлигини тушуниш лозим. Демак, ижара ҳақи фақат мазкур нарсаларда жоиз бўлади, деган хулосага келиб бўлмайди. “Фатаво навозил” асарида таъкидланишича: “Хулоса шуки, савдода пул сифатида эътиборга олинмайдиган нарсалар ҳам ижара ҳақи бўлиши мумкин. Масалан, муайян нарсалар. Чунки бу молиявий товондир. Аммо савдода пул деганда зиммада собит бўладиган нарса инобатга олинган” (Abu Lays Samarqandiy, 2004, p.375).

Кўриниб турибдики, ижара муносабатларида ижара ҳақи деганда умумий, яъни мулк бўлиши мумкин бўлган нарсалар тушунилади. “Ал-Иноя шарҳу-л-ҳидоя” асарида таъкидланишича: “Ижара шартномасида молнинг мажудлиги инобатга олинади. Муайян нарса ва фойда (яъни, бирон нарсдан фойдаланиш) мулкдир. Улар шартномада ижара ҳақи сифатида белгиланиши мумкин” (Akmaliddin Bobartiy, 2019, J.5, p.190). Демак, ижара ҳақи икки турга бўлинади. Биринчиси, муайян нарсалар, иккинчиси, томонлар бир-бирининг мулкидан фойдаланишидир.

“Ан-Нутаф фи-л-фатаво” асарида баён қилинишича: ижара ҳақи ўн хил нарсдан иборат

бўлади. Улар дирҳам, дийнор, кайлий, вазний, экинлар, ҳажм жиҳатдан бир-биридан фарқ қилмасдан саналадиган нарсалар, ҳажм жиҳатдан бир-биридан фарқ қиладиган саналадиган нарсалар, ҳайвонлар, матолар, кўчмас мулклар ва фойданиш.

Агар ижара ҳақи дийнор ёки дирҳам (нақд пул) бўлса, унинг миқдорига аниқлик киритишнинг ўзи кифоя;

Агар кайлий ёки вазний нарса бўлса, миқдори, жинси, сифати ва муддатига аниқлик киритилиши лозим;

Агар ҳажм жиҳатдан бир-биридан фарқ қилмайдиган саналадиган нарса бўлса, жинси, миқдори ва сифатини баён қилиниши лозим;

Агар бир-бирдан фарқ қиладиган саналадиган нарса бўлса, шунингдек, ҳайвон, мато ва кўчмас мулкларда ижара ҳақи муайян бўлсагина шартнома жоиз бўлади.

Агар ижара шартномаси ҳар икки томондан фойдаланиш эвазига тузиладиган бўлса, ижара ҳақи муайян ва ўзаро келишилган насар бўлиши лозим (Abulhasan Ali as-Sug‘diy, 1984, p.565).

Кайлий деганда маълум бир идишда ўлчаб сотиладиган нарсалар тушунилади. Вазний эса торозуда тортиб сотиладиган нарсалардир. Санаб сотиладиган нарсалар бир-биридан катта-кичикликда фарқ қилиши ёки фарқ қилмаслиги билан икки турга бўлинади. Демак, мазкур нарсалар ижара ҳақи сифатида берилганда уларнинг сифатида тўлиқ баён қилиниши лозим. “Баҳру-р-роиқ” асарида таъкидланишича: “Абу Ҳанифанинг наздида кайий, вазний ва саналадиган нарсалар агар оғир юк ёки озиқ-овқатдан иборат бўлса, уларни топшириш жойига ҳам аниқлик киритилиши лозимдир. Абу Юсуф ва Муҳаммадларнинг наздида шарт эмас. Аммо аниқлик киритиб ўтса жоиз бўлади” (Ibn Nu‘aym, 2019, J.7, p.508).

“Муҳиту-л-бурҳаний” асарида ижара ҳақи кийим ёки мато бўлса, салам савдосида маҳсулотга қўйилган шартлар унда ҳам шарт қилинган (Burhoniddin Buxoriy, 1997, J.11, p.218), дейилган.

Салам савдосининг ижара шартномаси билан ўхшашлик тарафи ҳали мавжуд бўлган нарса хусусида келишувнинг амалга оширилишидадир. Салам савдосида маҳсулот учун етти шарт топилиши белгиланган. Бу ҳаида “Шарҳ ал-Ҳидоя” асарида айтилишича: “Улардан кийим ва матоларга тегишлилари жинси, сифати, миқдори, муддати ва топшириш вақтини маълум қилинишидир” (Abdulhay Laknaviy, 1996, J.5, p.234). Шу боис, фақиҳлар асарларида кийим ва матолар ижара ҳақи сифатида белгиланганда, уларга салам савдосидаги шартларга эътибор қаратишни айтиб ўтганлар.

“Хулосату-л-фатаво” асарида агар ижара ҳақи мато ва кийим бўлса, унинг миқдорини сифатини ва муддатини баён қилиш лозим. Бу ҳолатда мазкур нарсалар муайян (яъни томонларнинг кўз ўнгида турган) бўлса, ишора қилишнинг ўзи кифоя. Юқоридаги нарсаларни баён қилишга эҳтиёж йўқ (Tohir ibn Ahmad, 970х., p.240), дейилган.

Ижара ҳақида аниқлик киритиш маъносида киритилган шартлар, томонларнинг олдида мавжуд бўлмаган тақдирда, мазкур шартларга амал қилинади ва унинг белгиланган сифатларини баён қилиш орқали аниқлик киритилади. Аммо ижара ҳақи сифатида бериладиган нарса томонларнинг кўз ўнгида мавжуд бўлса, ишора қилишнинг ўзи кифоя деган хулосага келиш мумкин.

“Фикҳу-л-ислом ва адиллатуху” асарида ижара ҳақининг шартлари қуйидагича баён қилинган.

Ижара ҳақининг иккита шarti бор.

1. Ижара ҳақи қийматга эга бўлган мол-мулк бўлиши билан бирга маълум бўлиши лозим. Бунга уламолар иттифок қилгандир (Vahba az-Zuhayliy, 2008, J.4, p.541).

Муаллиф ижара ҳақи билан боғлиқ шартларни умумий тарзда келтирган. Шариатда қийматга эга бўлган барча турдаги мол-мулклар киритишни айтиб ўтган. Аммо савдода маҳсулотнинг эвазига бериш мумкин бўлмаган нарсалар, жумладан, ўлакса, қон, ҳамр, яъни сипрли ичимликлар ва тўнғизни, шунингдек, одамнинг танаси ёки унинг аъзоларини ижара ҳақи сифатида бериш мумкин эмас. Чунки мазкур нарсалар шариатда қийматга эга эмас. Шу боис, бу нарса савдо ва бошқа тижорий муносабатларни амалга оширишда бирон нарсанинг эвазига берилмайди.

2. Ижара ҳақи фойдаланиш бўлса, иккинчи томондан билдирилган иш турининг жинси билан бир хил бўлмаслиги. Яшаш эвазига яшаш, хизмат эвазига хизмат, экин экиш эвазига экин экиш каби. Булар ҳанафийлар наздида рибонинг бир туридир (Vahba az-Zuhayliy, 2008, J.4, p.546).

Кўриниб турибдики, савдода бир жинсли маҳсулотларни сотишга қиёсланган бўлиб, бу каби келишувларда насия жоиз эмас. Шу боис, бир жинсли нарсаладан фойдаланиш эвазига ижара шартномаси тузилмайди. Аммо жинслар бошқа-бошқа бўлса, шартнома жоиз бўлади. Масалан, ижарачининг уйида яшаб туриш эвазига иккинчи томоннинг маркабидан фойдаланиш.

Ижара ҳақи нақд пул шаклида бўлса, биринчи навбатда унинг миқдори ва қайси пул бирлигида амалга оширилиши эътибор қаратиш лозим. Бу ҳақида “Муҳиту-л-бурҳаний” асарида қуйидагича баён қилинган: “Агар ижара ҳақи дирҳам ва дийнор бўлса, унинг миқдорига аниқлик киритилади.

Агар мамлакатда бир хил турдаги пул бирлиги амалиётда бўлса, унинг сифатини, яъни янги ёки эскилигини баён қилиш лозим бўлади” (Burhoniddin Buxoriy, 2004, J.11, p.217). Шунингдек, “Фатавои татархонийя”да айтилишича: “Агар ижара ҳақи дирҳам ёки дийнор бўлса, унинг миқдорини ва сифатини, яъни янги ёки эскилигига аниқлик киритиш билан келишув тузилади” (Ibn Alo al-Ansoriy, 2010, J.15, p.7).

Шартнома вақтида пулнинг янги ёки эскилигига аниқлик киритиш деганда, ўша пайтларда тижорий муносабатларда тилла, кумуш тангалар муомалада бўлган ва улар тез-тез зарб қилинган. Янгиси эскисига қараганда аралашмасининг кўплиги ёки камлиги билан фарқ қилган. Шу боис, ижара шартномасида ижара ҳақиға белгиланган пул бирлигининг сифати, яъни янги ёки эскилиги эътиборга олинган деб ҳулоса қилиш мумкин.

Ижара шартномаси қайси мамлакатда амалга оширилса, ўша жойда амалиётда бўлган пул бирлиги инobatга олинади. Бу ҳақида “Муҳиту-л-бурҳаний” асарида баён қилинишича: “Ижара шартномаси қайси мамлакатда амалга оширилса, ижара ҳақи ўша мамлакатда муомалада бўлган пул бирлиги асосида белгиланади. Агар мамлакатда бир неча пул бирликлари амал қилса, бири иккинчидан устунликка эга бўлмаса (яъни қиймати тенг бўлса), томонлар ижара ҳақи миқдориға аниқлик киритиб, қайси пул бирлигида берилишини белгиламаса ҳам шартнома жоиз бўлади. Ижараға олувчи ижара ҳақини ўзи хоҳлаган пул бирилигида тўлайди” (Burhoniddin Buxoriy, 2004, J.11, p.217).

Демак, ижара шартномасида мамлакатда амалда бўлган пул бирлиги ва унинг бошқа пул бирликлариға нисбатан қиймати инobatга олинади. Агар пул бирликларининг қиймати бир хил бўлса, фақатгина миқдориға аниқлик киритиш лозим. Қайси пул бирлигида тўланишиға аниқлик киритиш шарт ҳисобланмайди. “Фатавои татархонийя”да айтилишича: “Аммо пул бирликлари бир-биридан қиймат жиҳатидан фарқ қилса, пул бирлигига аниқлик киритилмаса, шартнома фосид (бекор) бўлади” (Ibn Alo al-Ansoriy, 2010, J.15, p.8). Бу ҳолатда томонлар ўртасида муаммоли вазият юзаға келиши инobatга олинган. Шу боис, томонлар ўртасида шартнома тузилган деб ҳисобланмайди.

“Агар пул бирликларининг бири иккинчисига қараганда оммалашган бўлса, шартномада пул бирлиги белгиланмаган бўлса-да, ақд жоиз бўлади ва ижара ҳақи оммалашган пул бирлигидан берилади” (Burhoniddin Buxoriy, 2004, J.11, p.217).

Кўриниб турибдики, ижара шартномаси қайси мамлакатда амалга оширилишидан қатъий назар томонларнинг таклифига ва розилигига биноан

ижара ҳақи миқдори ва қайси пул бирлигида тўланиши белгиланиши лозим деган ҳулосаға келиш мумкин.

Ижара ҳақи шартнома тузилиши билан лозим бўлиб қолмайди. Бу ҳақида “Шарҳи фатҳу-л-қодир” асарида баён қилинишича: “Ижара ҳақи ақднинг ўзи билан лозим бўлмайди” (Ibn Humom al-Hanafiy, 2003, J.9, p.66). Ҳали фойдаланмаган нарсаға ижара ҳақи талаб қилиш умумий қоидаға тўғри келмайди. Шу боис, ижарачи эвазни талаб қилиши ўринли эмас. “Шарҳи мухтасару-т-Таҳовий” асарида қуйидагича баён қилинган: “Ижара шартномасида бирон нарсадан фойдаланиш ва эвазига бошқа нарсаға эға бўлиш назарда тутилади. Савдода ҳам ҳудди шундай, яъни маҳсулот ва унинг бадалиға бериладиган нарса тўғрисида келишув амалға оширилади. Шартнома вақтида фойдаға эға бўлишнинг имкони бўлмайди. Чунки у мавжуд эмас. Демак, ижарачи ижара ҳақиға эға бўлмаслиги лозим. Ижараға олувчи нарсадан фойдаланса, ижарачи ижара ҳақини олиши мумкин бўлади” (Abu Bakr Jassos, 2010, J.3, p.389).

Аммо шартномада олдиндан тўловни амалға ошириш белгиланган бўлса, ижараға олинган нарсадан фойдаланмаса ҳам тўловни амалға ошириш лозим бўлади. Бу ҳақида “Фатавои сирожийя” асарида таъкидланишича: “Ижара ҳақи фақтгина олдиндан тўлов қилиш шарт экани белгиланган келишувларда, шунингдек, ижараға олинган нарсадан фойдаланган тақдирдагина лозим бўлади. Бунға фатво берилгандир” (Sirojiddin O‘shiy, 2011, p.466). Демак, ижара ҳақини олдиндан талаб қилиш учун шартномада кўрсатилган бўлиши лозим.

“Мабсу́т” асарининг муаллифи: “Ижара ҳақи учта ҳолатдан бирида лозим бўлади: биринчиси, тўловни олдиндан (ихтиёрий) берганда, иккинчиси, тўловни олдиндан биришни шарт қилганда ва учинчиси, белгиланган ишни бажариб бўлганда” (Shamsiddin Saraxsiy, 1996, J.15, p.108), деб айтиб ўтган. “Қанзу-д-дақоик” асарида бунға қўшимча сифатида ижараға олинган нарсани белгиланган вақтда ижарачиға топширишни ҳам киритган (Abulbarakot Nasafiy, 2011, p.543).

Биринчи ҳолатда талаб қилинмаган бўлса-да, ихтиёрий тарзда ижараға олувчи тўловни олдиндан амалға ошириши назарда тутилган, иккинчи ҳолатда эса, тўловни олдиндан амалға оширилиши ижарачи томонидан шарт қилиб белгиланади ва у шартномада акс этади. Учинчи ҳолатда шартномада белгиланган иш бажарилгач келишилган ижара ҳақини бериш лозим бўлади. Имом Насафийнинг қўшимча қилганиға кўра, ижараға олинган нарсадан фойдаланиш ёки фойдаланмаса-да шартномада кўрсатилган муддатға амал қилган ҳолда ижарачиға топшириш билан ижара ҳақини бериш лозим бўлади.

Айрим нарсалар билан боғлиқ ижара шартномаларида бажарилган ишнинг миқдоридан келиб чиқиб ижара ҳақини талаб қилиш жоиз дейилган. Мазкур масала “Муҳиту-л-бурҳаний” асарида баён қилинишича: “Абу Ҳанифа қуйидаги фикрларни билдирган. Агар шартнома маълум бир вақт билан чегараланган бўлса, масалан, ер, ҳайвонларнинг ижараси, инсонларни ижара ёллаш ёки одамларни, ҳайвонларни юкни бир жойдан иккичи жойга ташиш учун ёллаш каби бажарилган ишнинг миқдоридан келиб чиқиб ижара ҳақини тўлаш лозим бўлади” (Burhoniddin Buxoriy, 2004, J.11, p.223).

Ижара шартномаси савдо келишувига киёсланади. Аммо бу ҳолатда киёслаш ўринли бўлмайди. Чунки савдода ҳар икки тараф олди-берди қондасига келишувдан кейин амал қилади. Сотувчи маҳсулотни, харидор эса эвазини топширади. Натижада ўзаро тенглик юзага келади. Агар ижара шартномасида ҳам тўловни олдиндан амалга ошириш талаб қилинса, томонлар ўртасида тенглик йўқолади. Чунки ижарачи ижара ҳақини олдиндан олган пайтда ижарага олувчи нарсадан ҳали фойдаланмаган бўлади. Буни худди сотилган маҳсулотни пулини олдиндан олиб маҳсулотни эса топширмаган ҳолатга ёки унинг аксига ўхшатиш мумкин. Шу боис, шартномада белгиланган вазифани бажариб бўлганидан сўнг ижара ҳақини талаб қилиш мақсадга мувофиқ деб хулоса қилиш мумкин.

Аммо шартномада тўловни олдиндан амалга ошириш шарт қилинган ҳолатларда тенглик қондасига эътибор қаратилмаган. Бу ҳақида “Муҳиту-л-бурҳаний” асарида таъкидланишича: “Агар олдиндан тўлов шарт қилинган бўлса, ўртадаги тенглик бекор бўлади” (Burhoniddin Buxoriy, 2004, J.11, p.225). Бу ҳолат савдодаги насия келишувига киёсланган. Мазкур савдо турида харидорга маҳсулот топширилади, лекин тўлов кечиктириб берилади. Натижада ўзаро тенг қондасига амал қилинмайди.

Баъзан шартномада ижара ҳақи хусусида ҳеч қандай шарт киритилмаслиги мумкин. Бу хусусида “Фатавои сирожийя” асарида қуйидагича баён қилинган: “Шартномада ижара ҳақининг муддати белгиланмаган ҳолатларда, жумладан, ижара бирор жойда яшаш билан боғлиқ бўлса, бир кун яшагандан кейин ижара ҳақини талаб қилади. Агар масофани босиб ўтишга доир бўлса, бир марҳала (“Ас-Сихоҳ” асарида айтилишича: “Мусофирнинг бир кунда юрадиган масофасининг миқдори” (Abu Nasr al-Javhariy, 2009, p.433)ни босиб ўтганидан сўнг ижара ҳақини талаб қилади” (Sirojiddin O‘shiy, 2011, p.466). Демак, бу ҳолатда ижарачи ижара ҳақини

олдиндан талаб қилиши ўринли бўлмайди, балки юқорида айтилганидек, ижарага олинган нарсанинг ёки белгиланган ишнинг миқдорига қараб ижара ҳақи талаб қилиш лозим бўлади.

ХУЛОСА

Ислом ҳуқуқшунослигида ижара шартномасининг асосий шартлари сифатида ижара ҳақининг ва фойданинг маълум бўлиши келтирилган. Шартномада ижара ҳақининг белгиланиши билан бирга, унинг жинси, миқдори, сифати, тўлов қайси пул бирлигида амалга оширилиши ва айрим ҳолларда унинг вақти ва жойига ҳам аниқлик киритилиши белгиланган. Шу билан бирга ижарага олувчи тўловни ихтиёрий тарзда шартномада вақтида амалга ошириши мумкин. Агар шартномада тўловни амалга ошириш билан боғлиқ қўшимча шартлар киритилган бўлса, масалан тўловни олдиндан амалга ошириш каби. Унга амал қилиш лозим эканлиги кўрсатилган. Агар ҳеч қандай шарт киритилмаган бўлса, белгиланган ишни бажариб бўлганидан сўнг ёки ижарага олинган нарсани топшириш вақтида тўловни амалга ошириши лозим бўлади.

Агар шартномада тўловни олдиндан амалга ошириш белгиланмаган бўлса, ижарачи белгиланмаган муддатда ижара ҳақини талаб қилиши ўринли бўлмайди.

Бир сўз билан айтилганда, ижара шартномасида ижара ҳақига аниқлик критич ва у билан боғлиқ қўшимча шартлар томонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилинишига ва юзага клиши мумкин бўлган низоларни олдини олинишига қаратилган.

АДАБИЁТЛАР

1. عبد الحي اللكنوي. (1996). شرح الهداية. – باكستان. إدارة القراء والعلم الإسلامية. 8 مجلد/5. – 560 ص.
2. أبو بكر البيهقي. (2003). السنن الكبرى. – بيروت. دار الكتب العلمية. 11 مجلد / 6. – 616 ص.
3. أبو بكر الجصاص. (2010). شرح مختصر الطحاوي. – المدينة المنورة. دار السراج. 8 مجلد/3. – 477 ص.
4. أبو الليث السمرقندي. (2004). فتاوى النوازل. – بيروت-لبنان. دار الكتب العلمية. – 460 ص.
5. أبو الليث السمرقندي. (2005). خزنة الفقه. – بيروت-لبنان. دار الكتب العلمية. – 382 ص.
6. أبو نصر الجوهري. (2009). الصحاح تاج اللغة. – القاهرة. دار الحديث. – 1287 ص.
7. أبو العباس الفيومي. (1987). المصباح المنير. بيروت-لبنان. مكتبة لبنان. – 273 ص.
8. أبي البركات حافظ الدين النسفي. (2011). كنز الدقائق. المدينة المنورة. دار السراج. – 728 ص.
9. أبو الحسن السغدري. (1984). الفتاوى. بيروت-لبنان. مؤسسة الرسالة. – 984 ص.
10. أبو الحسن القدوري. (2005). مختصر القدوري. بيروت-لبنان. مؤسسة الريان. – 671 ص.

11. أكمل الدين البابرّي. (2019). العناية شرح الهداية. بيروت-لبنان. دار الكتب العلمية. 7 مجلد/5. – 526 ص.
12. علاء الدين البخاري. (1981). كشف الأسرار. بيروت-لبنان. دار الكتب العلمية. 4 مجلد/4. – 408 ص.
13. بدر الدين العيني. (2000). البناءة شرح الهداية. بيروت-لبنان. دار الكتب العلمية. 13 مجلد/9. – 564 ص.
14. برهان الدين المرغناني. (2019). الهداية شرح بداية المبتدي. المدينة المنورة. دار السراج. 7 مجلد/5. – 520 ص.
15. برهان الدين المرغناني. (2019). الهداية شرح بداية المبتدي. المدينة المنورة. دار السراج. 7 مجلد/6. – 568 ص.
16. برهان الدين محمود البخاري. (2004). المحيط البرهاني في الفقه النعماني. – الرياض. مكتبة الرشد. 25 مجلد/11. – 480 ص.
17. الدكتور وهبة الزحيلي. (1985). الفقه الإسلامي وأدلته. – دمشق. دار الفكر. 10 مجلد/4. – 799 ص.
18. ابن علاء الأنصاري. (2010). فتاوى التاتارخانية. – الهند. زكريا. 19 مجلد/15. – 645 ص.
19. ابن نجيم المصري. (1997). بحر الرائق شرح كنز الدقائق. – بيروت. دار الكتب العلمية. 9 مجلد/7. – 534 ص.
20. ابن نجيم المصري. (1997). بحر الرائق شرح كنز الدقائق. – بيروت. دار الكتب العلمية. 1997. 9 مجلد / 5. – 520 ص.
21. ابن عابدين. (2003). رد المختار. – الرياض. دار العالم الكتب. 13 مجلد / 9. – 623 ص.
22. ابن همام الحنفي. (2003). شرح فتح القادر. – بيروت. دار الكتب العلمية. 10 مجلد / 9. – 542 ص.
- 23.
24. قاضيان الأوزجندى. (2009). فتاوى قاضيان. – بيروت. دار الكتب العلمية. 3 مجلد / 2. – 191 ص.
25. مجد الدين الفيروزبادي. (2005). قاموس المحيط. – بيروت. مؤسسة الرسالة. 1500- ص.
26. محمد السرخسي. (1987). أصول السرخسي. حيدر آباد. اللجنة احياء المعارف العثمانية. 2 مجلد / 2. – 387 ص.
27. محمد تقي العثماني. (2015). فقه البيوع. – كراتشي. المعارف القرآن. 2 مجلد/1. – 625 ص.
28. سراج الدين الأوشي. (2011). فتاوى السراجية. – جنوب أفريقيا. دار العلوم زكريا. – 696 ص.
29. طاهر بن أحمد البخاري. (970 هـ). خلاصة الفتوى (مخطوطة). ناسخة محمد بن أحمد الحميدي. – قطر. دور الكتب القطرية (مستودع المخطوطات). – 428 ص.
30. الشيخ نظام ومجتمع العلماء. (2000). الفتاوى الهندية. بيروت. دار الكتب العلمية. 6 مجلد / 4. – 543 ص.
31. شمس الدين السرخسي. (1996). كتاب المبسوط. – بيروت. دار المعرفة. 31 مجلد / 15. – 185 ص.
7. Abu-l-Abbos Fayyumi. (1987). Misbahu-l-munir. – Bayrut. Maktabatu-l-lubnan. – 273 b.
8. Abulbarakot Nasafiy. (2011). Kanzu-d-daqiq. Madina. Doru-s-siroj. – 728 b. – B. 543.
9. Abulhasan Ali as-Sug'diy. (1984). An-Nutaf fi-l-fatavo. – Bayrut. Muassasatu-r-risola. – 984 b.
10. Abulhasan Quduriy. (2005). Muxtasaru-l-Quduriy. Bayrut. Muassasatu-r-rayyon. – 671 b.
11. Akmaliddin Bobartiy. (2019). Al-Inoya sharhu-l-hidoya. – Bayrut. Doru-l-kutubu-l-'ilmiyya. 7 mujallad/5. – 526 b.
12. Alouddin Buxoriy. (1981). Kashfu-l-asror. – Bayrut. Doru-l-kutubu-l-arabiy. 4 mujallad/4. 408 b. – B. 173.
13. Badriddin Ayniy. (2000). Al-Binoya fi sharhil hidoya. – Bayrut. Dorul fikr. 12 mujallad/9. – 564 b.
14. Burhoniddin Mahmud Buxoriy. (2004). Muhitul-Burhaniy. – Riyoz. Maktabatu-r-rushd. 25 mujallad/11. – 480 b.
15. Burhoniddin Marg'inoniy. (2019). Hidoya sharhi bidoyatul muhtadiy. – Madina. Dor as-Siroj. 7 mujallad/5. – 520 b.
16. Burhoniddin Marg'inoniy. (2019). Hidoya sharhi bidoyatu-l-muhtadiy. – Madina. Doru-s-siroj. 2019. 7 mujallad/6. – 568 b.
17. Ibn Alo al-Ansoriy. (2010). Fatavoi tatarxoniy. – Hindiston. Zikriyo. 19 mujallad/15. – 645 b.
18. Ibn Humom al-Hanafi. (2003). Sharhu fathu-l-qodir. – Bayrut. Doru-l-kutubu-l-ilmiyya. 10 mujallad/9. – 542 b.
19. Ibn Nujaym al-Misriy. (1997). Bahru-r-roiq sharhi kanzu-d-daqiq. – Bayrut. Doru-l-kutubu-l-ilmiyya. 9 mujallad/7. – 534 b.
20. Ibn Nujaym Misriy. (1997). Bahrur roiq sharhu kanzud daqiq. – Bayrut. Doru-l-kutubu-l-ilmiyya. 9 mujallad/5. – 520 b.
21. Ibn Obidin. (2003). Roddu-l-muxtor. – Riyoz. Dor olamu-l-kutub. 13 mujallad/9. – 623 b.
22. Majdindin al-Feruzabodiy. (2005). Qomusul-muhit. – Bayrut. Muassasatu-r-risola. – 1500 b.
23. Muhammad Saraxsiy. (1987). Usul as-Saraxsiy. – Haydarobod. Lajna ehiyoi-l-ma'orifi-n-no'moniyya. 2 mujallad/2. – 387 b.
24. Muhammad Taqiy Usmoniy. (2015). Fiqh al-buyuu'. – Karachi. Maorifil Qur'on. 2 mujallad/1. – 625 b.
25. Qozixon Uzjandiy. (2009). Fatovoi Qozixon. – Bayrut. Doru-l-kutubu-l-ilmiyya. 3 mujallad/2. – 191 b.
26. Shamsiddin Saraxsiy. (1996). Kitabu-l-mabsut. – Bayrut. Doru-l-ma'rifa. 31 mujallad/15. – 185 b.
27. Shayx Nizom va ulamolar jamoasi. (2000). Al-Fatavo hindiyya. Bayrut. Doru-l-kutubu-l-ilmiyya. 6 mujallad/4. – 543 b.
28. Sirojiddin O'shiy. (2011). Fatavoi Sirojiyya. – Janubiy Afrika. Doru-l-'ulum Zakariyo. – 696 b.
29. Tohir ibn Ahmad al-Buxoriy. (970 h.). Xulosatu-l-fatavo (qo'lyozma asar). Nusxa ko'chiruvchi, Muhammad ibn Ahmad al-Hamidiy. – Qatar. Doru-l-kutubu-l-Qatariyya (qo'lyozmalar fondi). – 428 b.
30. Vahba az-Zuhayliy. (2008). Fiqhu-l-islom va adillatuhu. Damashq. Doru-l-fikr. 10 mujallad/4. – 799 b.

REFERENCES

1. Abdulhay Laknaviy. (1996). Sharhu-l-hidoya. – Pokiston. Idoratu-l-Qur'on va-l-ulumu-l-islomiyya. 8 mujallad/5. – 560 b.
2. Abu Bakr al-Bayhaqiy. (2003) As-Sunanu-l-kubro. – Bayrut. Doru-l-kutubu-l-ilmiyya. 11 mujallad/6. – 616 b.
3. Abu Bakr Jassos. (2010). Sharhi muxtasaru-t-Tahoviy. – Madina. Doru-s-siroj. 8 mujallad/3. – 477 b.
4. Abu Lays Samarqandiy. (2004). Fatavo navozil. – Bayrut. Doru-l-kutubu-l-ilmiyya. – 460 b.
5. Abu Lays Samarqandiy. (2005). Xizanatu-l-fiqh. – Bayrut. Doru-l-kutubu-l-ilmiyya. – 382 b.
6. Abu Nasr al-Javhariy. (2009). As-Sihoh toju-l-lug'ati. – Qohira. Doru-l-hadis. – 1287 b.